

7нчи сентябрда Самаркандда шахар думасининг сайлови бўлуб ўтди. Аммо не тарикада бўлди? Ушбу саволга лойиқинча жавоб ёзмак учун мазкур кунда воқеъ бўлгон кўб вахшиёна ҳаракатлар, қийновлар, талон ва тақфирларни айнан зикр этуб ўтмоқ лозим бўладурки, бу аснода қўнғлида зарра инсоният ҳисси бор одамнинг кўзларидан раҳм ва шафқат ёшлари оқмаслиги мумкин эмасдур.

Газетамизнинг ўтган рақамларида Самарканд шахар думасининг сайлови ҳусусида мусулмонлар икки фиркага айрилуб, биринчиси «Шўрои ислом»дан бой, уламолар бўлуб, биринчи нумер, иккинчиси «Захматкашлар иттифоқи» бўлуб, булар иккинчи нумер рўйхат ҳозирлагонлари сабаби ва тафсиюти ила ёзилгон эдики, ушбу тўғруда сўз узайтурмокни ортук кўрмаймиз ва тафрика (айрилув)га сабаб Самарканд «Шўрои исломия»си бўлгонлиги маълумдур.

Мана ўшал кундан эътиборан «Шўрои ислом» тарафидан кўб бойлар ва муллолар, бечора нодон халқ орасида фитна солуб «Захматкашлар» ҳақида қанча тухматлар қилдилар... Ораларида бир неча ёшлар борлигини билуб ҳаммаларини жаҳидчи ва қофир дедилар... Ҳатто шўронинг бир неча мўътабар ва мухтарам аъзолари маҳаллаларга боруб (ваъз ўрнида) захматкашлар ва ёшларни ёмонладиларки, бу воқеанинг шохидлари бордур.

Ана шул сабабли бечора «Захматкашлар иттифоқи»нинг барча аъзоси ва тарафдорлари халқ орасида жаҳид ва қофирликга от чиқоргон эди. Шундай бўлса ҳам, «Захматкашлар жаҳияти» маънос бўлмади, тек турмади, кеча-кундуз ҳаракат қилди. Ўзини мудоффаа этди. Бир неча баённома ва ҳитобномалар тарқатиб халқнинг қўзини очди, секин-секин ҳейли одамларни ўз тарафига олдики, охириги кунларда буларнинг адади бир неча мингга етган эди.

Лекин сайлов куни бирдан иш ўзгариб қетди. Қутилмаган воқеалар олдимизга қилди, «Шўрои ислом»нинг халқ орасида солгон фитна-фасоди сайлов куни натижа берди. Бечора захматкашлар ва уларнинг тарафдорларидан бир неча қишилар сайлов участка(қитъа)ларида шўрочилар тарафидан уруддилар, сўқулдилар, тақфир қилиндиларки, ҳозирда алардан бир нечаси ўлум тўшақида ётибдур.

Мундай йиртқичлик ва вахшийликни кўруб, бечора халқ бирдан кўркушиб қолди. Табиий,

жон ширин, хар ким кўркар. Шундай хуррият замонида зулм ва истибдод асари бўлгон мундай каро кунни кўрган халк кўркушидан иккинчи нумерни ташлаб, биринчи нумерга товуш бера бошлади. Шунинг учун сайловнинг эртаси хисобланганда, иккинчи нумерга садо берганларнинг сони 1700 микдоридан зиёда чикмади.

2нчи нумер оз садо олгони учун «Захматкашлар жамияти» хафа бўлуб ўзининг истикболидан умидини узмайдур. Балки жамиятнинг таассуф этуб кайгурмоги шундай хур-риятлик сайлов кунда бир неча гунохсиз кишиларнинг бир жамоа вахшийлар тарафидан хаксиз кийналуб ташланмогидадур.

Ушбу таассуфлик воқеада ҳукуматнинг ҳам бир оз тадбирсизлиги сабаб бўлди. Чунончи, ҳукумат сайлов тўғрисида шунча муҳолифат ва низо борлигини билиб туруб сайлов кунда бирор тадбир килмади. Яъни хар участкада акалли 20 нафар аскар кўймади. Агарда ҳукумат тарафидан шундай тадбир килинса эди, мундай воқеага йўл кўйилмаган бўлур эди.

Хар нима бўлди, энди ўтди. Бу воқеанинг бош сабаби «Шўрои ислом»дур. Бошдан «Шўрои ислом» захматкашлар тарафидан кўрсатилгон 10 нафар номзод кишиларни кабул килуб, ўз сиёҳасига киргузганида ва ё кабул килмагон тақдирда, захматкашлар зарарига ҳаракат килмағонида мундай кайгулик воқеалар юз бермаган бўлур эди. Мана шул сабабли демокга ҳақлидурмизки, ушбу ихтилоф ва фитнага «Шўрои ислом» сабаб бўлди.

*«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 19 сентябрь*